Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Бошқарув ишлари академияси Ахборот-кутубхона институти

2006 ЙИЛ, 4 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 64 (10.621) Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 1 АПРЕЛЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ АМАЛДАГИ РАИСИ, БЕЛЬГИЯ ҚИРОЛЛИГИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ КАРЕЛ ДЕ ГЮХТНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

— Сиз нафақат ЕХҲТнинг амалдаги раиси, айни пайтда Бельгия ташқи ишлар вазири сифатида ҳам Ўзбекистонга ташриф буюрдингиз, — деди Ислом Каримов. — Бу мамлакат билан муносабатларимиз доим яхши бўлган. Сизнинг ташрифингиз Ўзбекистондаги ва бутун Марказий Осиё минтақасидаги вазият ҳамда бу ерда кечаётган жараёнлар билан яқиндан танишиш учун қулай имкониятдир.

Бельгия ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Карел де Гюхт ЕХҲТнинг амалдаги раиси сифатида илк бор Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди. У мазкур лавозимда жорий йилнинг 1 январидан бошлаб фаолият кўрсатмоқда.

Халқаро сиёсий ва иқтисодий майдонда энг аҳамиятли марказлардан саналган Бельгия Қироллиги Европа ва Трансатлантика институтларида муҳим ўрин тутиб келмоқда. Бельгия мамлакатимизга минтақадаги етакчи давлат сифатида қарайди ва Марказий Осиё билан муносабатлар доирасида Ўзбекистон билан ҳамкорликка устувор аҳамият қаратади. Айни чоғда Бельгия Ўзбекистоннинг Европадаги энг йирик савдо-иқтисодий шерикларидан.

ЕХҲТга жорий йилда Бельгия Қироллиги раислик қилмоқда. Бу даврда ташкилотга аъзо давлатларда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ЕХҲТни ислоҳ қилиш, иқтисодиёт ва экология масалаларига эътиборни кучайтириш орқали ушбу тузилма фаолиятида мутаносибликни таъминлаш, транспорт коммуникациялари соҳасида ҳамкорлик, уюшган жиноятчиликка қарши кураш каби масалалар устувор этиб белгиланган.

Карел де Гюхт Ўзбекистон билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ва ўзаро ҳурмат асосида алоқаларни ривожлантиришга тайёр эканлигини билдирди. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон-Бельгия ҳамкорлигини янада ривожлантиришга ҳамда мамлакатимиз билан ЕХҲТ ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Э. Р. ШОИСМАТОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Эргаш Раҳматуллаевич Шоисматов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тасдиқлансин ҳамда унга машинасозлик, қора ва рангли металлургия, нефт ва газ, геология, электроэнергетика, кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқариш, шунингдек, стандартлаштириш ва метрология, давлат ва сафарбарлик заҳиралари тармоқларига раҳбарлик қилиш юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 3 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Ў.Т. СУЛТОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўткир Тўхтамуродович Султонов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари лавозимидан ҳамда машинасозлик, қора ва рангли металлургия, нефт ва газ, геология, электроэнергетика, кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқариш, стандартлаштириш ва метрология, давлат ва сафарбарлик заҳиралари тармоқларига раҳбарлик қилиш вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 3 апрель

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик, «Миллий тикланиш» демократик ҳамда Халқ демократик партияларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда қуйи палатанинг навбатдаги ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳалари ҳамда партия фракциялари фаолиятига оид масалалар муҳокама қилинди.

● Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг IV пленуми бўлиб ўтди.

● Тошкентдаги Молиявий хизматлар банкларо маркази биносида республикамизнинг энг йирик ва универсал банкларидан бири — акциядорлик-тижорат «Пахта банк»и акциядорларининг йиллик умумий ҳисобот-йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз иқтисодиёти, хусусан, қишлоқ хўжалигини тараққий эттиришда етакчи ўрин эгаллаб келаётган мазкур банкнинг 2005 йилдаги даромадлари сарҳисоб этилиб, шу даврдаги фаолияти якунлари муҳокама қилинди.

● Франция пойтахти Парижда ўзбекистонлик ёғоч ўймакорлиги усталари, рассомлар ҳамда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ижодига мансуб ҳалқ амалий санъати намуналари кўргазмаси ва тадбиркорларнинг бизнес-форуми ўтказилди. Тадбир давомида 18 та истиқболли лойиҳани ҳамкорликда амалга ошириш бўйича музокаралар олиб борилди.

● Шаҳрисабзда Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ва Соҳибқирон Амир Темур тавалудининг 670 йиллигига бағишланган «Мумтоз наволар» мусиқий анжумани кўтаринки руҳда ўтди.

● Наврўз айёми ҳамда Амир Темур тавалудининг 670 йиллигига бағишланган умуммамлакат марафони иштирокчиларини Фарғона вилоятининг Қува тумани ҳудудида минглаб ишқибозлар, ихлосмандлар гуллар ва карнай-сурнай садолари остида кутиб олишди. Ушбу марафоннинг биринчи йўналиши эса Қорақалпоғистон Республикаси пойтахтидаги Гарезсизлик (Мустақиллик) майдонидан қадимий ва ҳамиша навқирон Шаҳрисабз томон старт олди.

● Фарғона вилоятида фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар сони яна биттага кўпайди. Улар қаторига Марғилон шаҳрида иш бошлаган «Марғилонтекс» ўзбек-турк қўшма корхонаси қўшилди. Йилига 2760 тонна ип-калава ишлаб чиқариш қувватига эга замонавий цехларда ҳозирда 220 нафар ишчи меҳнат қилмоқда.

● «Ўзбеккино» миллий агентлиги ва вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Самарқандда «Ўзбек миллий кино санъати кунлари» кўтаринки руҳда нишонланди. Тадбир давомида шаҳардаги «Ёшлар» маркази, «Шарқ юлдузи» киносаройи, «Самарқанд» кинотеатри ва «Шарқ» клубида юртимиз ижодкорлари томонидан яратилган энг сара фильмлар намойиш этилди.

ЖАҲОНДА

● Австралия Бош вазири Жон Хауэрд расмий Пекин билан мамлакатда қазиб чиқарилаётган уранни Хитойга етказиб бериш борасида шартнома имзолади. Унга кўра 2010 йилдан бошлаб Австралиядан Хитойга ҳар йили 20 минг тонна уран экспорт қилинади. Таъкидлаш жоизки, ушбу урандан ҳарбий мақсадларда фойдаланилмайди.

● Таиландда якшанба куни бўлиб ўтган парламент сайловлари натижаларини аниқлаш давом этмоқда. Дастлабки маълумотларга кўра мамлакат пойтахти Бангкокда сайловчиларнинг аксарияти амалдаги бош вазир Таксин Чиноватга қарши овоз берган. Бироқ бош вазирнинг қишлоқ ҳудудларидаги ўрни кучлилигича қолмоқда. Таксин Чиноват унинг партияси сайловчиларнинг 50 фоиз овозини ололмаса, лавозимини тарк этишини билдирди.

● Франция касаба уюшмалари ва талабалар мамлакат Президенти Жак Ширакнинг ёшларни ишга жойлаштириш борасидаги қонунни тасдиқлаш ҳақидаги қарорини қораладилар. Айтиш керакки, янги қонун 25 ёшга тўлмаган ишчи ва хизматчиларни ишга олиш ва бўшатиш жараёнини осонлаштиради. Мазкур қонунга қарши намойишлар уч ҳафтадан бери давом этмоқда.

● Расмий Москва ва Тбилиси Грузия ҳудудидан Россия ҳарбий базаларини олиб чиқиб кетиш муддати юзасидан ўзаро келишувга эришдилар. Унга кўра Ахалкалакидаги ҳарбий база 2007 йилда, Ботумидаги ҳарбий объектлар эса 2008 йил охирида грузияликлар тасарруфига ўтади.

● Россия Марказий банки мамлакатнинг олтин-валюта заҳиралари тарихда илк бор 200 миллиард доллардан ошиб кетганлигини эълон қилди. Ушбу кўрсаткич бўйича эндиликда Россия мамлакати Япония, Хитой, Хитой Тайпейи ва Жанубий Кореядан кейин бешинчи ўринга чиқиб олди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 5 апрель куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 7-9, кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туман ҳокимлигида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан «Дунё халқларини ўрганамиз» мавзуида уюштирилган семинарда «Камолот» сардорлари, етакчилари иштирок этишди.

● **БУГУНДАН** Учтепа туман мактабларида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан етакчилар, сардорлар иштирокида уюштирилган тадбирларда «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши конференциясига тайёргарлик кўриш ва делегатлар сайлаш масалалари ҳал этилмоқда.

● **БУГУН** «Камолот» ЁИҲ Бектемир туман бўлимининг мактаб бошланғич ташкилотларида ўтказилган умумий йиғилишларда «Камолот» ЁИҲ Дастури ва Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

● **БУГУН** «Камолот» ЁИҲ Миробод туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан мактабларда «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилотларининг ҳисобот конференциялари ўтказилди.

● **БУГУН** Ҳамза Қурилиш касб-ҳунар коллежида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан ўқувчилар ва ўқитувчилар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «ОИТС муаммоси – аср вабоси» деб номланди.

● **ЎТГАН** куни Юнусобод туманидаги «Минор» маҳалласида маҳалла фаоллари, ёшлари, кам таъминланган оилалар вакиллари, нуроний отахонлару онахонлар иштирокида Наврўз айёмига бағишланган тадбир ўтказилди, қатнашчиларга мутасаддиларнинг эсдалик совғалари туҳфа этилди.

● **КЕЧА** Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлимлари ҳамкорликларида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳудудида «Камолот боғи» тақдим этилди, «Онамсан табиат» мавзуида расмлар кўрик-танлови уюштирилди.

● **ХАЛҚ** таълими вазирлиги ташаббуси билан **КЕЧА** Чилонзор туманида мактабгача тарбия муассасаларида таълим жараёнини янада яхшилаш усулларига бағишлаб ўтказилган семинар-тренингда мактабгача тарбия муассасалари раҳбарлари иштирок этишди.

● **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий кутубхонаси қошида нодир қўлёзмалар музейи ташкил этилди.

● **БУГУН** Юнусобод туманидаги «Шодлик» маҳалласида Наврўз айёми муносабати билан маҳалла фуқаролари иштирокида байрам тадбири уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва
ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ҲАМКОРЛИКНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРГАН ТАШРИФ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИ МУТЛАҚ ЯНГИ ПОҒОНАГА КЎТАРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ ШУБҲАСИЗ.

Ташриф асносида эришилган келишувлар ҳамкорлик мазмунини янада бойитиб, алоқалар кўламини бир неча карра оширади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Алишер ШАЙХОВ ЎзА мухбири билан суҳбатда ташриф якунлари ҳақида сўзлар экан, мана шу жиҳатни алоҳида таъкидлади.

— Иқтисодий ҳамкорлик давлатлараро муносабатларнинг асосини ташкил этиши табиий, албатта, — дейди А.Шайхов. — Аммо икки мамлакат Президентларининг Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатларни бутунлай янги — стратегик шериклик даражасига кўтаришга оид ҳужжатга имзо чеккани давлатимиз раҳбари изчиллик билан юритаётган тинчликпарвар ташқи сиёсатнинг натижаларидандир. Бу ҳужжат мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни барча соҳаларда янги босқичга олиб чиқишига шубҳа йўқ.

Мазкур фикрни рақамлар билан изоҳласак, шу кунга қадар Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий пойдевори 59 ҳужжатдан иборат эди. Президентимизнинг Сеулдаги музокараларидан кейин улар қаторига яна 43 ҳужжат қўшилди.

Бу ўринда сармоявий ҳамкорликка эътибор беринг. 1992 йилдан буён, мамлакатларимиз ўртасида ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан кейин ўтган давр мобайнида Ўзбекистон иқтисодиётига Корея Республикасидан 1,5 миллиард АҚШ доллари ҳажмида сармоя киритилган. Янги тузилган келишувларда эса 1,8 миллиард долларлик сармоя киритиш кўзда тутилади.

Буларнинг барчаси Жанубий Кореяда Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга иштиёқ нечоғли катта эканлигидан далолатдир. Айни чоғда Президентимиз Ислом Каримовнинг етакчи корейс ишбилармонлари билан учрашувида айтган гапларини ёдга олиш жоиз. — Сармоя, бизнес, — деди учрашувда Ислом Каримов, — муайян фойда, аниқ дивидендлар, барқарорлик кафолатланган жойга интилади.

Корея Республикаси ишбилармонлари Ўзбекистонда бизнес юритиш имкониятларини, хориж сармоядорлари фаолияти учун яратилган қулайликларни, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, жумладан, макроиқтисодий барқарорликни қадрлайди. Корея Республикасининг юқори технологиялар, саноат ва бошқа соҳалардаги ютуқлари, сармоявий имкониятлари ҳамда Ўзбекистоннинг ерости ва ерусти бойликлари, меҳнат ресурслари, тобора ошиб бораётган ақлий салоҳияти икки томонлама манфаатдорлик асосида ҳамкорлик кўламини кенгайтириш, унинг янги-янги қирраларини очиш, янги йўналишларини белгилаш учун етарли асосдир.

Масалан, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан Корея нефть корпорацияси ўртасида имзоланган Фарғонада геология-разведка ишларини олиб бориш тўғрисидаги битимнинг молиявий қиймати 50 миллион АҚШ долларига тенг. «Ўзбекнефтгаз» билан «КОГАЗ» компанияси ўртасида Устюртда геология-разведка ишларини олиб бориш бўйича тузилган ҳужжатга биноан газ конларини тадқиқ этиш учун Ўзбекистонга 62,4 миллион доллар сармоя киритилади. «Ўз-Корес майнинг» Ўзбекистон — Корея қўшма корхонасини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйишни кўзда тутувчи Таъсис шартномасининг қиймати эса 204,2 миллион долларга тенг. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Эксчейнжбанк ўртасида имзоланган кредит битими 20 миллион долларлик молиявий қийматга эга.

Сиёсий жабҳадаги ҳамкорлигимиз даражасини халқаро ташкилотлар доирасидаги баҳамжиҳат ҳаракатларимиз яққол кўрсатиб турибди. Мамлакатимиз БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ижро органларига Корея Республикаси вакилларининг номзодини қўллаб-қувватлаб келади. Жумладан, Ўзбекистон БМТ Бош котиби лавозимига Корея Республикаси ташқи ишлар ва савдо вазири Бан Ки Муннинг номзодини ёқлайди. 2005 йилнинг ўзида Ўзбекистон БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасига, Халқаро стандартлаштириш ташкилотига, SOS бадаллари бўйича қўмитага ва БМТ Хавфсизлик кенгашининг нодоимий аъзолигига Корея Республикаси томонидан кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлади.

Корея Республикаси эса Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб киришини, мамлакатимизнинг халқаро иқтисодий тизимга интеграциялашувини ёқлайди. Мустақиллигимизнинг илк йилларидан Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги асосий шерик сифатида қараб келаётган Жанубий Корея юртимиздаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётимизга катта миқдорда сармоя киритиш орқали ҳам халқаро майдонда мамлакатимиз нуфузи ошишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Мамлакатларимиз ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётир. Бу ҳамкорлик соғлиқни сақлаш, илм-фан ва таълим, жумладан, олий таълим муассасалари ва фанлар академиялари, маданият, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари ўртасидаги алоқаларни қамрайди.


Шу ўринда ташриф кунлари Корея Республикаси оммавий ахборот воситалари ўзбек ва корейс халқларининг маданий ва маънавий яқинлигига ҳам алоҳида эътибор қаратганини таъкидламоқчиман. Жумладан, «Корея — Ўзбекистон» дўстлик жамияти раиси Ким Юн Сок «The Korean Herald» газетасида чоп этилган мақоласида мамлакатимиз телевидениесида «Қиш сонатаси» ва «Сарой жавоҳири» фильмлари катта муваффақият билан намойиш этилганини фахр билан ёзди. Катталарга ҳурмат, эл-юртга муҳаббат ва садоқат, эзгулик каби инсоний фазилатлар халқларимизни бир-бирига яқинлаштириши, дўстона муносабатларимизни мустаҳкамлаши кўп бор тилга олинди.

Корея матбуоти Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга кўчириб келинган корейсларга кўрсатилган бағрикенглик ва саховатни кўп эсга олди. Айниқса, ўша корейсларнинг бугунги авлодлари 250 минг нафарга етгани ва юртимизда юздан зиёд миллат ва элат вакиллари билан тинч-тотув ва иноқликда яшаётганини алоҳида таъкидлади.

Икки давлат раҳбарларининг дўстлиги ва ҳамфикрлиги, сиёсий ҳамжиҳатлик, иқтисодий ҳамкорликдан икки томонлама манфаатдорлик, халқларимизнинг азалий дўстлиги - барчаси стратегик шериклик даражасидаги муносабатлар учун асос бўлиб хизмат қилади. Шу маънода, Президентлар томонидан имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация ўз вақтида қабул қилинган, давр талабларига жуда мос, мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатларига хизмат қиладиган ҳужжат бўлиб, Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш йўлида бурилиш нуқтасини ясаган залворли қадамдир.

ЎзА мухбири
Анвар БОБОЕВ
ёзиб олди

Маҳалланг — ота-онанг



ОҚСОҚОЛЛАР БОШ БЎЛГАН

БИЗ ОДАТДА МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИНИ МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛИ ДЕБ АТАЙМИЗ. БУ, АЛБАТТА, ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШ ОРГАНИ РАҲБАРИГА ҲУРМАТ БИЛАН ҚАРАШ ИФОДАСИДИР.

Халқ мақолида айтилгандек, карвонсиз йўл бўлмас, оқсоқолсиз эл бўлмас. Зеро, "оқсоқол" атамаси Марказий Осиё халқларида эътиборли, нуфузли кексаларга нисбатан қўлланиб келинган. Ибтидоий жамоа босқичида оқсоқол уруғ бошлиғи ҳисобланган. Ҳунармандлар, устахоналар бошлиғи ҳам оқсоқол дейилган.

Жамоатчилик асосида маҳаллага раҳбарлик қилувчи қариялар ва катта ёшдаги шахсларни ҳурматлаб маҳалла оқсоқоли деб эъзозлашган. Оқсоқол жамоа тизимининг илдизлари ибтидоий жамоа босқичига бориб тақалади. У солиқларни тўплаш, одамларни турли юмушларга сафарбарлиги билан ҳам шуғулланган, сувдан фойдаланишни назорат қилган. Ҳашарларга ҳам оқсоқол бош бўлган.

Ҳар бир хонадондаги жон сони, уларнинг яшаш тарзи, оилавий муҳити ва муаммолари каби кўплаб ҳаётий масалаларни маҳалла раиси яхши билган. Оқсоқол маслаҳатига қулоқ тутмаслик, унинг топшириқларини ўз вақтида бажармаслик жамоатчилик назарида номақбул ҳисобланган. Шаҳар бошқаруви тизимида ҳам маҳалла оқсоқоли лавозими жорий этилган эди. Қишлоқ бошқарувида эса оқсоқоллар уларга ёрдамчилар сифатида фаолият юритишган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда жамият ва халқ бошқарувининг бу анъанавий, оқилона тизимига амал қилинмоқда. "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилингандан сўнг маҳаллалар фаолияти янада кенгайиб кетди.

Кўриниб турибдики, оқсоқоллар халқимиз ҳаётида муҳим ўринни эгаллаб, эл-юрт осойишталиги, барқарорлиги ва фаровонлиги йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган мўътабар, фидойи инсонлардир.

Акбар АЛИЕВ,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси



Дориломон кунлар қадрига шукроналар айтиб, бир пиёла чой устида гурунглашганга нима етсин.

УНИБ ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШЛАРНИНГ ИЛМЛИ, КАСБ-ҲУНАРЛИ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИ ЙЎЛИДА ДАВЛАТИМИЗ, ХУСУСАН ЮРТБОШИМИЗ ТАШАББУСИ БИЛАН БАРЧА ЗУРУР ШАРТ-ШАРОИТ ВА ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА. ЗАМОН ТАЛАБИ, ХОРИЖ АНДОЗАЛАРИ АСОСИДА ҚАД РОСТЛАЁТГАН ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ, КОЛЛЕЖ ВА ЛИЦЕЙЛАР ВА ҚАТОР ЎҚУВ МАРКАЗЛАРИ ТОМ МАЪНОДА ФИКРИМИЗ ИСБОТИ БЎЛАДИ.

Анжуманлар

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Куни кеча Мирзо Улуғбек туман ҳокимлигида бўлиб ўтган «Ёшлар — келажагимиз» деб номланган амалий анжуман ҳам айнан юқоридаги мақсадлар ижроси йўлида ташкил этилди. Унда давлат ва нодавлат ташкилотлар раҳбарлари, маҳаллаларда иш олиб бораётган диний-маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари, хотин-қизлар комиссиялари раислари иштирок этдилар.

Анжуманни кириш сўзи билан очган туман ҳокими Шавкат Иргашев бугунги кун ёшларининг илмли, маънавий етук, соғлом бўлиб вояга етишлари давлатимиз томонидан энг устувор вазифалардан бири саналиши, қабул қилинаётган ҳар бир Фармон ва қарорларнинг туб моҳияти, мазмун-мақсади келажак эгаларининг ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етишларига хизмат қилиши ҳақидаги фикрларни билдирди.

Шунингдек, тадбирда сўз олган Республика «Оила» илмий-амалий маркази директори, профессор Восила Каримова «Ёшлар тарбиясида оилаларнинг ўрни», Республика «Маҳалла» жамғармаси раиси ўринбосари, Тошкент шаҳар «Оила» маркази раиси Гулнора Йўлчиева «Маҳаллалардаги ёшларни оилага тайёрлаш ва касб-ҳунарга йўналтиришда ота-онанинг ўрни», «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари, «Камалак» болалар ташкилоти раиси Гулчеҳра Олимжонова «Ёшлар— келажагимиз» мавзулардаги фикр-мулоҳазаларни йиғилганлар эътиборига ҳавола этдилар.

— Марказимиз ўз фаолиятини бевосита «Камолот» ЁИҲ билан биргаликда олиб боради,— дейди марказ раҳбари Гулнора Йўлчиева. — Ҳозирги кунда шаҳримизнинг ҳар бир туманида филиалларимиз ишлаб турибди. Бизда нафақат эртага уй бекалари бўладиган қизларимиз, балки оила бошлиғи бўлиб, рўзғор тебратадиган йигитларимиз ҳам ўқиб, изланиб, бир касбни эгаллаб келмоқдалар. Мақсадимиз йигит-қизларимизга касб-ҳунар ўргатиб, мустақил ҳаётга тайёрлашдир. Токи, улар ҳаётнинг мураккаб, кутилмаган зарбалари олдида эсанкираб қолмасинлар, тадбиркорлик, зийраклик ва уддабуронлик билан қийинчиликларни енгиб ўтсинлар. Марказимизнинг фаолияти асосан мана шу мақсадга қаратилган.

Анжуман иштирокчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавобларни олдилар. Қатнашчиларни Абдулла Қодирий номли Тошкент Давлат маданият олийгоҳи талабалари ўзларининг бадиий чиқишлари билан мамнун қилдилар.

Анжуманда Тошкент шаҳар «Оила» марказида касб-ҳунар ўрганган йигит-қизларга гувоҳномалар топширилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига

САМИМИЙ ДИЛ ИЗҲОРЛАРИ

ЯҚИН КУНЛАРДА РЕСПУБЛИКАМИЗ АҲЛИ СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 670 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАЙДИ. БУ ЙИЛ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ ҲАМ ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМГА ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИБ, «10 ЙИЛГА — ЎН КЎРГАЗМА» РУКНИ ОСТИДА ЯНГИ КЎРГАЗМАЛАР ТАЙЁРЛАДИ.

Музей ўтган йиллар мобайнида республикамиз аҳолининг, дунёнинг турли бурчакларидан ташриф буюраётган сайёҳлар меҳмонларнинг доимо қизиқиб интиладиган севимли маданият масканига айланиб қолди. Ҳозирги кунгача музейга миллионлаб меҳмонлар ташриф буюрди. Уларнинг орасида мамлакатимиз жамоатчилиги вакилларидан ташқари кўплаб хорижий меҳмонлар ҳам бор. Жаҳоннинг турли давлатларидан ташриф буюрган 400 дан ортиқ расмий меҳмонлар музей билан танишиб, «Музейнинг фахрий меҳмонлар китоби»га ўзларининг таассуротларини, самимий дил сўзларини ёзиб қолдирганлар. Музейда янги очилган кўргазмалардан бири ана шу дил изҳорларига бағишланиб, «Дастхатлар» деб номланган.

Кўргазмадан Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Озарбойжон, Туркия, Эрон, Италия, Болгария, АҚШ, Япония, Корея, Хитой ва бошқа давлатларнинг машҳур давлат, сиёсат ва жамоат арбобларининг сўзлари жой олган. Бу сўзларда ҳайрат, завқ-шавқ, ўз она тарихини, буюк сиймоларини ардоқлаётган халққа чуқур эҳтиром, таҳсинлар акс этган. Биз дастхатлар билан танишар эканмиз, Соҳибқирон бобомиздан, тарихимиздан фахрланиш туйғусини яна бир бор ҳис этамиз.

- **«Чуқур ҳаяжон ва катта ҳурмат ила Амир Темур музейи билан танишдим. Музей экспонатлари буюк давлат арбоби, саркарда, ўзбек халқининг улуғ фарзанди Амир Темур ҳақида тўлақонли маълумот беради. Ўзбекистон халқига катта раҳмат. Амир Темурнинг тарихий меросини авайлаб, ҳурмат билан қараш юқори маънавият ва донолик белгисидир. Озарбойжон Республикаси президенти Гейдар Алиев. 22.10.96».**
- **«Осиёнинг катта ҳудудида ўзининг ўчмас изини қолдирган буюк империя асосчисига ва биз бугунгача ҳайратланиб келаётган санъат дурдоналари яратилишининг илҳомчисига бағишланган ажойиб музей билан табриклайман. Франция ташқи ишлар вазирлиги котиби. 01.04.98».**
- **«Музейда тўпланган нарсалар мени ҳайратлантирди. Бу фақат Амир Темур ҳаёти ва фаолияти ҳақидагина эмас, балки бу давлатнинг буюк маданияти ҳақида гувоҳлик беради. Уюшган жиноятчиликка қарши кураш миллий прокурори Пьеро Лунжи Винья. Италия. 3 май. 2005 йил».**

Музей қисқа муддат ичида, шарқона кўринишда, ўрта асрлар меъморчилиги анъаналаридан фойдаланиб замонавий руҳга мос ҳолда яратилганлиги, салобати ва латофати билан минглаб зиёратчиларни ҳайратга солмоқда.

Ўзбекистонга расмий ташриф билан келиб, музей билан танишган Россия ҳукумати вакили Владимир Рушайлонинг «Сизнинг ажойиб музейингизни катта қизиқиш билан томоша қилдим. Ўтмишсиз бугунги кун ҳам, келажак ҳам йўқ. Ўша давр меъморчилиги ва қурилиш кўлами, шарқона услуб гўзаллиги эътиборни ром этади. Фан, маданият, ҳарбий қаҳрамонлик уйғунлиги бу музейни томоша қилгач, олинадиган таассуротлардир. Қанча кўп янгиликни билсак, шунча кам билишимизни аниқроқ тушунамиз. Қизиқарли ҳикоя учун раҳмат, янги учрашувга умид қиламан. Яхшилик, тинчлик, бахт ва гуллаб-яшнашини тилайман». Москва ва Бутунроссия патриархи Алексей II нинг «Биз 1996 йил 12 ноябрда Тошкентда бўлиб, Амир Темур музейи ва экспонатлари билан танишиб чиқдик. Музейнинг ажойиб биноси саккиз ой ичида қуриб битказилиши, маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш ва миллий рассомлар томонидан безалиши Ўзбекистоннинг бой маданий тарихидан далолат беради ва халқ истеъдодларининг қўллаб-қувватланилаётганлигини билдиради», — деб ёзиб қолдирган самимий дил изҳорлари бунинг исботидир.

Музей ва кўргазма билан танишган ҳар бир зиёратчи Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг: «Айтиш мумкинки, Амир Темур хиёбони гўзал бир узук бўлса, бу музей шу узукнинг ёқут кўзидир. Музейни зиёрат қилган ҳар бир инсон менинг бу сўзларим шоирона ташбеҳ ёки муболаға эмаслигига ишонч ҳосил қилади. Бу музейда бизнинг ўтмишимиз ҳам, бугунги кунимиз ва истиқболимиз ҳам бамисоли кўзгуда экс этгандек, намоён бўлади», деган сўзларига яна бир бор ишонч ҳосил қилади.

Саодат САИДХОНОВА,
Темурийлар тарихи Давлат музейининг илмий қотиби

Саломатлик

ТИББИЙ КЎРИК—СОҒЛИК ГАРОВИ

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ, ЖАМИЯТДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БУГУНГИ КУННИНГ АСОСИЙ ТАЛАБЛАРИДАН БИРИДИР. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ РЕСПУБЛИКАМИЗДА ТИББИЁТ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, АЙНИҚСА ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ, НОГИРОНЛИКНИНГ, ОНА ВА БОЛАЛАР ЎЛИМИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

Хусусан ўтган Сиҳат-саломатлик йилида маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёш болали, туғруқ ёшидаги аёллар ва болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича салмоқли юмушлар амалга оширилган эди. Ҳомийлар ва шифокорлар йили ҳам мана шундай хайрли ниятларга ҳамоҳанг тарзда бошлаб юборилди. Яқинда Шайхонтоҳур туманидаги "Сарҳумдон" маҳалласида ҳам ана шундай тадбирлардан бири маҳалла ҳудудида жойлашган 35-оилавий поликлиника шифокорлари, туман "Соғлом авлод" жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилди.

— Шифокорлар билан учрашувлар, қизиқарли давра суҳбатлари, тадбирлар маҳалламизда мунтазам ўтказилиб келинади, — дейди бу тўғрида "Сарҳумдон" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Маҳмуд ака Рашидов. — Ёш болали ва туғруқ ёшидаги аёллар ва болаларнинг барчаси бепул тиббий кўрикдан ўтказилади. Касаллиги аниқланган оналар ва болаларга керакли муолажалар тайинланиб, лозим бўлганлар касалхоналарга ётқизилади. Албатта кам таъминланган оилаларга имтиёзли йўлланма, бепул дори-дармонлар берилиши эътиборга олинган. Имкон борича моддий ва маънавий кўмак беришга ҳаракат қилиб келинмоқда. Мақсадимиз — фуқароларимизнинг тинчбехавотир, соғлиқ, саломатликда яхши яшашларига кўмаклашишдир.

Азиза МУҲАМЕДОВА

Яхшилар ёди

ҲУСНИДДИН АКАНИ ЭСЛАБ...

МАҲАЛЛАМИЗДАГИ 114-МАКТАБДА УЗОҚ ЙИЛЛАР МАТЕМАТИКАДАН ДАРС БЕРГАН ҲУСНИДДИН АКА ҚОДИРОВНИ ГОҲ-ГОҲИДА ЭСЛАБ, ЧУҚУР ЎЙГА ТОЛАМАН. У КИШИНИНГ ҚАТТИҚ-ҚЎЛЛИГИ, БИР СЎЗЛИГИ, АЙТГАН ЖОЙИДАН КЕСАДИГАН ЎЖАРЛИГИ ТУФАЙЛИ АЙНИҚСА, ЎҚУВЧИЛАР ҲАЙИҚИБ ТУРИШАР ЭДИ.

Ҳусниддин аканинг талаби эса оддий бўларди — болалардан уй вазифасини сўрарди, холос. Албатта аълочи, математика дарсига қизиқадиган ўқувчилар бўйларини ғоз тутиб турар ва табиийки, муаллимнинг «баракалла» деган мақтовига мушарраф бўлишарди. Дангасалик қилган болалар эса, келаси дарсга ота-онаси билан келиши шарт бўларди.

Ҳусниддин аканинг муаллимлик касбига қанчалик меҳр қўйиб, соҳасини қанчалар яхши кўришини шундан ҳам билиш мумкин. Афсуски, муаллимлик, устозлик касбини ана шундай катта масъулият билан тушунадиган муаллимлар ҳозирда саноқли бўлса керак.

Ҳусниддин ака мактабдан ташқари маҳалла ишларига ҳам жонкуяр эдилар. Айтишларича, мактабни маҳаллага кўчириб келишда, ҳужжатларини расмийлаштиришда анча жонбозлик кўрсатганлар. Мактабда ўқиётганимда яна бир воқеанинг шоҳиди бўлганман. Бир куни мактаб ёнидан ўтиб кетаётсам, кўчада Ҳусниддин ака маҳалламизга янги кўчиб келган бир қўшни бола билан тортишиб турган эканлар. Маълум бўлишича, янги қўшни деганим яқинда институтга кирган йигит аравачада мактаб кўчасини асфальтлаш учун келтирилган шағалдан уйига ташиётган экан. Ҳусниддин ака шунинг устидан чиқиб қолганлар.

— Ҳой, шағални қаерга ташияпсан? — сўрайди у.

— Уйга, ертўламизга озгина керак экан. Шунга...

— Сенга ким айтди, шу ердан ол, деб?

— Ҳеч ким, ўзим олаяпман. Нима қипти?

— Ие, сенинг ертўланг биноми, мактабнинг кўчаси шу ҳолича ётаверсинми? Адангга айт, ертўлангга ана, бозордан сотиб олиб келиб тўлдирсин. Ҳамма озгина-озгина ташиб кетаверса, унда мактаб кўчаси қачон битади? Иккинчи бу ерда қорангни кўрмай...

Эсимда, ёши ўтиб қолган, нафақага чиққан Ҳусниддин акадан янги қўшнининг энсаси қотиб, менга қараб: «Ким бу ўзи? Нима иши бор бу кишининг?» деганди. Мен ҳам ўз навбатида домланинг мактабдаги энг қаттиққўл ўқитувчи эканлигини айтганман. Аммо янги қўшни эса, беписандлик билан: «Э, қўлидан нимаям келарди. Кечқурун, ҳеч ким йўғида барибир ташиб оламан» деганди ўшанда.

Яхшилар барибир халқ қалбидан ўчмас экан. Ҳозирда Ҳусниддин ака Қодиров яшаган, болаларни ўқитган Чилонзор туманидаги «Мевазор» маҳалласи идорасида, маҳаллани ташкил қилган, уни яратган фаоллар, фидойилар қаторида у кишининг ҳам сурати бор. У кишини таниган, таълимини олган ҳар бир маҳалладош Ҳусниддин аканинг ўйчан қиёфасига боқиб беихтиёр таъзим бажо келтиради.

Эзгу ишлари барчага сабоқ бўлгулик ана шундай заҳматкашларни эслаш, хотирлаш, ҳурматини жойига қўйиш маҳалламиздаги мактаб ўқитувчилари учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Мактабга тамал тошини қўйган шундай одамлар орамизда доимо бор бўлсин.

Зоир ЗИЁ

2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ИШБИЛАРМОНЛАР АҲДИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ УЮШМАСИДА МАМЛАКАТИМИЗ ТАДБИРКОРЛАРИНИНГ ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИГА БАҒИШЛАНГАН ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, манфаатдор вазирлик ва уюшмалар томонидан уюштирилган мазкур тадбирдан кўзда тутилган мақсад ҳомийлик ишларини амалга ошираётган тадбиркор ва фермерларнинг ижобий тажрибаси асосида аҳолининг кам таъминланган, ёрдамга муҳтож вакилларини кенг қўллаб- қувватлашни тарғиб этишдир. Унда вазирлик ва идоралар, нодавлат ва нохукумат ташкилотлар вакиллари, хусусий корхоналар ва фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан жорий йилнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши жамиятимизда ҳомийлик, меҳр-мурувват ва ижтимоий ночор аҳоли вакилларига кенг моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишни оммалаштиришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Форумда маъруза қилган «Маҳалла» жамғармаси раиси А.Гадойбоевнинг маълум қилишича, ўтган йили маҳаллалар орқали мамлакат бўйича ҳомийларни кенг жалб этиш эвазига эҳтиёжманд аҳоли вакилларига қарийб бир миллиард 128 миллион сўмлик моддий ва молиявий ёрдам кўрсатилган. Бундай хайрли ишлар Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ҳам кенг кўламда давом эттирилмоқда. Жумладан, яқинда ўтган умумхалқ хайрия ҳашари давомида кўплаб ёлғиз кексалар, ногиронлар ва кам таъминланган оилаларнинг уй-жойлари таъмирланди.

Форумда ишбилармон доиралар вакиллари томонидан кенг ҳомийлик кўрсатиш, кам таъминланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда амалий саъй-ҳаракатларни бажаришга қаратилган ҳужжат қабул қилинди.

Акмал НАЗАРОВ,
ЎзА мухбири

Хусусий тадбиркорлик

КАТТАЮ КИЧИККА ХИЗМАТ БИРДАЙ

БУЮРТМАЛАР СИФАТЛИ БАЖАРИЛСА, АЛБАТТА МИЖОЗЛАР САФИ ҲАМ ОРТИБ БОРАДИ.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган "Бунёд" хусусий фирмаси чеварлари шу боис ҳам мижоз талаби ва эҳтиёжидан келиб чиқиб буюртмани ўз вақтида ҳамда сифатли адо этишга, ҳар бир ташриф буюрувчини мамнун этишга интиладилар.

Бугунги кунда 3 нафар чевар фаолият кўрсатаётган ушбу кичик корхонада асосан турли хилдаги кийим-кечакларни таъмирлаш, уларни мижознинг хоҳиш-истагига кўра қайта тикиш амалга оширилади. Шунинг баробарида бу ерда меҳнат қилаётган тадбиркор чеварлар аёллар, болалар, эркакларнинг миллий ва замонавий услубдаги либосларини ҳам тикишни йўлга қўйишган.

— Албатта, ўтган йилда Президентимизнинг тадбиркорлик соҳасига оид қатор Фармон ва Қарорлари замирида тадбиркорларга юксак эътибор, ривожланиши, сафлари кенгайиши учун кўплаб имтиёз ва кафолатлар мужассамлашгани, ҳуқуқий ҳимоянинг мустаҳкамлангани янги куч-ғайрат билан ишлашга ундайди, — дейди хусусий корхона раҳбари Анвар Авазматов. — Ушбу кичик корхонада меҳнат қилар эканмиз, бизнинг асосий мақсадимиз ён-атрофдаги аҳолига, барча ҳамшаҳарларимизга бугунги кун талаблари асосида намунали хизмат кўрсатиш, оғирини енгил қилиш ҳамда оиламиз фаровонлигини ҳам яратишдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, чеварлар ҳузурига умид билан буюртма олиб келган каттаю кичик бу ердан ҳеч қачон ноумид қайтмайди. Аксинча, мўъжазгина корхонанинг ҳам ишбилармон, ҳам хушмуомала тикувчилари ишидан мамнун бўлишади.



Дилноза СОДИҚОВА СУРАТДА: тикувчи уста Мамлакат Авазматова буюртмаларни адо этишда бор маҳоратини ишга солади.
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

ПОЙТАХТИМИЗДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА МАМЛАКАТ ОЛИМПИАДАСИ ЯКУНЛАНДИ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ташаббуси билан ташкил этилган мазкур беллашув иқтидорли ёшларни аниқлаш имконини берди.

Олимпиада ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбирда таъкидланганидек, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш, пухта ва мукаммал билим бериш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидандир. 2004- 2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида ўқувчилар билим ва кўникмаларини муттасил ошириб бориш учун барча имконият ва шароитни яратиш муҳим йўналишлардан этиб белгиланган.

Умумтаълим фанлари бўйича бу йилги олимпиадада икки юз эллик икки нафар ўқувчи иштирок этиб, эллик олти нафари ғолиб ва совриндор бўлди. Умумжамоа ҳисобида пойтахтимиз ўқувчилари ўнта совринни қўлга киритиб, биринчи ўринни эгалладилар. Бухороликларнинг етти нафари совринга лойиқ топилиб, иккинчи ўринга, Қорақалпоғистон Республикаси ўқувчилари эса олтита совринли ўрин билан учинчи ўринга сазовор бўлдилар.

Олимпиада ғолиб ва совриндори 2005-2006 ўқув йилида олий ўқув юртларига тест-синовларисиз кириш имконига эга бўлди.

ЎзА

Инсон сиймосига чизгилар

ОЛАМ ИЧРА ОЛАМ

ИНСОНИЯТ МАНА БИР НЕЧА АСРЛАРКИ ЎЗИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ, ЖОНЗОТ СИФАТИДАГИ ИМКОНИЯТЛАРИ, МОҲИЯТИ ВА ТАБИАТИГА ҚИЗИҚИБ, УНИНГ АТРОФИДА ДОИМО ФИКР ЮРИТИБ, ТУШУНИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИБ КЕЛАДИ.

Инсоннинг мавжудот сифатидаги ўзига хослиги ва ақлий салоҳияти жиҳатидан мўъжизакорлиги фанда ҳали аниқ бир тўхтамга келинмаган, яхлит ҳолда ўз баҳосини топмаган.

Инсон ҳақидаги тасаввурлар, унинг олами, моҳияти ва табиатини ўрганишга бўлган интилишлар кишилик жамияти ибтидоси билан тенг. Зотан, бундан қарийб уч минг йил аввал, қадимий маданий ёдгорлигимиз бўлган «Авесто»да илгари сурилган «эзгу сўз, эзгу фикр, эзгу амал» тамойили айни инсон эзгулик ва яратувчилик имкониятларидан ташқари ёвузлик ҳамда вайронкорлик иллатларига ҳам эга эканлигини кўрсатади. Чунки, ҳар қандай даъват унга тескари ҳодиса мавжуд бўлган пайтдагина юзага келади. Ҳар қандай эҳтиёж нимагадир, қайси даражададир етишмовчилик, танқислик, камёблик мавжуд бўлган жойда туғилади. Ана шу жиҳатдан қараганда инсонни эзгу сўз, эзгу фикр ва эзгу амалга даъват этиш ҳодисаси ўша пайтлардаёқ инсон инсон учун муаммо эканлигини, инсон олами ниҳоятда мураккаб, зиддиятли, ўзини ўзи инкор этиб, ўзини ўзи рад этиб яшайдиган олам эканлигини кўрсатади. Демак у қанчалик буюк кашфиётлар, оламшумул ихтиролар қилишга қодир бўлса, шунчалик унинг тескарисини ҳам амалга ошириш салоҳиятига эга бўлган ноёб жонзотдир.

Ҳатто, шу даражада бўлиши ҳам мумкинки, инсон табиатан ўзига ўзи муаммо яратиб, ўзининг бошини ўзи қотириб, ўз ҳаётини ўзи мураккаблаштириб қўядиган ноёб воқеликка айланади. Ана шу ҳолда инсоннинг ўзига хос бетакрорлиги, бошқа жонзотлардан кескин фарқ қиладиган жиҳатлари кўзга яққол ташланиши мумкин. Бундан икки ярим минг йил муқаддам Софокл ўзининг «Антигона» фожеасида инсон моҳиятини, унинг табиатини, сирли-синоатли оламини ифодалар экан, «мўъжизалар ичида энг ажойиби инсондир», деган эди.

Демак инсон табиатини ўрганишга интилишлар бугуннинггина ҳодисаси эмас. Не-не алломалар, донишмандлар, мутафаккирлар инсон табиати ҳақида қатор-қатор асарлар яратишга, унинг бутун моҳиятини, кўламини, ўзига хос жиҳатларини ўрганишга ҳаракат қилишган. Бу тадқиқотларда қайсидир даражада илмий асос, фан методологияси талабларига жавоб берадиган ноёб назарий хулосалар мавжуд. Бироқ, уларнинг бирортаси инсон табиати ҳақида тўлақонли, яхлит ҳолда тавсияларни беролмайди. Чунки ҳар бир инсон алоҳида индивид сифатида ўзига хос алоҳида олам. Бу олам бошқа оламдан кескин фарқ қилади. Ҳар бир инсоннинг ўз феъл-атвори, ўз дунёқараши, маънавий-руҳий имкониятлари, ҳаёт ва жараёнлар моҳиятини англаш ва баҳолаш қобилияти унинг бир-биридан фарқини белгилайди.

Инсон олами, ички дунёси мураккаблигининг яна бир жиҳати шундаки, бир муаммога бир неча одам бир неча шаклда ёндошиб, уни бир неча шаклда талқин қилишади. Натижада моҳиятан ўз феъл-атворига мос равишда бир-биридан фарқ қиладиган хулосаларга келади. Ана шу ҳолатнинг ўзи одамлар ўртасидаги хилма-хилликни, турфалиликни ва баъзи ҳолларда ўзаро тушунмасликни, қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни келтириб чиқаради.

Инсон табиатининг ўз олами ичидаги зиддиятлари, туйғулар ва ҳиссиётлар бўҳронлари шу даражада ўзгарувчанки, баъзан инсон ўз оламига сиғмай қолади ёки ўз қарашлари ва хулосаларига қарши хатти-ҳаракатларни амалга ошириши мумкин. Инсон тафаккурининг чексизлиги, унинг мўъжизавий қудрати шу даражада беқиёски, у баъзан англаб турган нарсасининг англамаган бошқа қирралари олдида ожиз ва нотавон бўлиб қолади. Ана шу ҳолатга тушган буюк физик олим Альберт Эйнштейн атомнинг парчаланишини яратиб, жаҳон фанида буюк инқилоб қилган эди. У айни атом орқали инсон меҳнатини енгиллаштириш, машаққатини осонлаштириш, унинг ҳаётига кўмаклашишга хизмат қиладиган фаннинг ақлга сиғмас жиҳатлари ва тасаввур қилиш қийин бўлган томонларини очиб, инсон даҳолик қудратининг ноёб мўъжизасини кўрсатган эди. Бироқ, атом инсоният бошига мислсиз кулфатлар келтириши, инсониятнинг бутун тарихий тараққиёти давомида қўлга киритган қадриятларининг, цивилизациялар ютуқларининг кулини кўкка совуриши мумкинлигини пайқагач, Эйнштейн умрининг охиригача ўзидан ўзи норози бўлиб, ўзини ўзи қарғаб ўтганлигига эътибор берсак, буюк қалб эгасининг нақадар изтироблар гирдобида яшаганлигини назарда тутсак, инсон қалбидаги ички зиддиятларни тушуниш унчалик қийин эмас.

Бундай ҳолатлар буюк олимлар, бадиий ижодкорлар, санъат намояндалари ҳаётида аниқроқ кўзга ташланади. Қолаверса, ҳар қандай инсоннинг ўз ҳаёти, турмуш муаммолари, кундалик вазифалари ва касби кори доираси, ҳаёт завқи, турмуш лаззати ва яшаш моҳияти билан бирга ўз изтироблари, ўз дард-андуҳлари бўладики, бу бевосита инсон оламининг яна ҳам мураккаброқ, яна ҳам зиддиятлироқ, яна ҳам серқиррароқ эканлигини кўрсатади.

Ер юзида яшаётган олти миллиард одамдан ҳеч қачон иккита айнан бир хилини топиш мумкин эмас. Бу инсоннинг биологик воқелик сифатидаги ташқи кўринишида ҳам, ақл-заковати, қувонч ва изтиробларнинг оламни сифатида ички дунёси, қалб туғёнида ҳам намоён бўлади. Туйғуларку табиатан турлича бўлиши муқаррар. Ҳиссиётлар, воқеликдан таъсирланиш, руҳий кечинмалар ҳар бир одамнинг ўз табиий ривожланиш имкониятлари доирасида бўлади ва шу жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Бироқ, биологик жиҳатдан ҳамма инсонда битта бош, иккита кўз, иккита қулоқ, икки қўл ва оёқ бир хил бўлган ҳолатда ҳам миллиард одамлар ичида айнан ўхшашининг йўқлиги криминологияда фан нуқтаи назаридан тўла исбот этилган. Ана шу ҳолатнинг ўзи ҳар бир инсоннинг такрорланмас, ўзига хос ҳодиса, илоҳий мўъжиза эканлигини кўрсатади.

Умуман олганда ҳозирга қадар инсон ҳақидаги фанлар, жумладан физиология, биология, руҳшунослик, этнография ва бошқа қатор фанлар тўплаган билимлар ва умумий хулосалар инсон табиати қўлами ва унинг ранг-баранглигини яхлитлигича қамраб ололганича йўқ.

Инсоннинг табиий-биологик воқелик сифатида тана тузилиши ва унинг бошқа жонзотлардан ўта нозиклиги, майинлиги, анатомик жиҳатдан кескин фарқ қилиши доирасида фикрлар мавжуд. У кучли ҳайвонлар олдида нозик ва ожиз бўлишига қарамай, ақл-идрок ва тафаккур билан улардан анча устун ва қудратли эканлиги ҳайратланарли ҳодисадир.

Инсон ижтимоий табиатига кўра ўз турмуш тарзини ўзи йўлга қўяди, ўзини ўзи бошқаради. Ўз хаёллари, орзу-умидлари ва мақсадларини рўёбга чиқариш жараёни орқали мавҳум ҳолатларни реал воқеликка айлантира олади, уларни манфаат орқали моддийлаштира олади ва фойдаланади. Яхшилик ва ёмонлик, сахийлик ва бахиллик, кўнгилчанлик ва бемехрлик, муҳаббат ва нафрат унинг бутун маънавий-руҳий қадриятини белгилайди.

Умуман олганда, инсоннинг бошқа жонзотлардан фарқ қиладиган жиҳати бевосита унинг фикрлаш ва хулосалар чиқара олиш билан боғлиқ бўлган маънавий оламидир. Айнан ана шу маънавий олам инсон ҳаётининг бутун онгли фаолиятида ўзини намоён этади ва унинг замирида ички руҳий жараёнлар ётади. Шунинг учун ҳам инсонга нисбатан олам сўзининг қўлланиши ҳар бир инсон учун алоҳида дунё мавжудлиги ва бу дунё унгагина хос ва фақат уники эканлигидан далолат беради.

«Инсон ўзида дунёни, макрооламни мужассам этган микроком (микроолам) сифатида фикр юритади. Инсон алоҳида моҳиятга эга эмас, у яхлит олам сифатида ўзини намоён этади», — дейди К.Ясперс. Бунда улуғ файласуф фикр юритмаса, ақлини ишлатмаса, тафаккур қилмаса, ташқи олам, ўраб турган дунё моҳиятини англашга интилмаса инсон ўз моҳиятини йўқотади, деган хулосани илгари суради. Зотан, инсон олами (микроолам) макроолам билан доимий, узлуксиз мулоқотда, ўзаро алоқада бўлмоғи шарт. Аниқроғи инсон макроолам ичида яшаб туриб, унинг бутун салмоғи, мураккаблиги, ранг-баранглигини ўз оламига жойлаб яшайди. Ана шу ҳолатнинг ўзи инсоннинг бошқа жонзотлардан фарқини белгилайди. Айни пайтда инсоннинг доимий ривожланиш, тадрижий камолот йўналишлари, интеллектуал салоҳият ва ҳиссий барқарорлик имкониятларини рўёбга чиқарадиган муҳим омилдир. Шунинг учун ҳам К.Ясперс ўз фикрини давом эттириб, «Оламни тадқиқ этиш тафаккуримизнинг ягона йўли. Оламни англаш экзистенциал англашнинг бирдан бир йўли. Оламни йўқотиш билан бирга биз ўзимизни ҳам йўқотамиз», — деган эди.

Инсонга ижтимоий воқелик нуқтаи-назаридан қарайдиган бўлсак, унда бу ички оламнинг моҳияти ва кўлами яна ҳам ошади. Чунки бунда Инсон англаш ва фаолият кўрсатиш орқали кишилик жамияти, ижтимоий ҳаёт тақдири билан боғлиқ жараёнларни ҳам қамраб олади. Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб айрим мутахассислар олам тушунчасини учга бўладилар. Жумладан, табиий олам, ижтимоий олам ва маънавий олам.

Табиий олам деганда инсоннинг генетик ва биологик ўзига хослиги, жисмоний имкониятлари назарда тутилган.

Ижтимоий олам тушунчасида эса инсоннинг ижтимоий воқелик сифатидаги моҳияти, унинг жамият ва табиат билан боғлиқлиги, тарихий жараёнларга иштироки ёки таъсири, шахсий ҳаёти билан жамият ҳаёти ўртасидаги боғлиқлик масалалари киради.

Маънавий олам эса ҳар бир индивиднинг ўзига хос маънавий-маърифий, ахлоқий-руҳий имкониятлари, ҳиссиётлари ва туйғулари, ақл-закоси, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги фарқни англаш даражаси, ўз феъл-атвори доирасида ўзини ўзи бошқариш имкониятларини қамраб олади.

Айни ана шу учинчи олам инсоннинг мавжудот сифатидаги бутун қадриятини белгилайди. Албатта, юқорида келтирилган икки олам ҳам инсонгагина хос ва унинг ўзлигини белгилайдиган воқелик. Бироқ фақат ички оламдаги ҳолатгина унинг кишилик жамиятидаги ўрнидан, ташқи оламга таъсиридан, моҳиятидан келиб чиқади ва бу ўзига хос ижтимоий қатламлар, синфлар ва у яшаётган жамият тараққиётига бевосита таъсир этади. Чунки худди ана шу ички моҳият, инсоннинг ички олами бевосита феъл-атвори, муносабатлари ва хатти-ҳаракатларини шакллантиради, ривожлантиради, бошқаради.

Инсон моҳияти хусусида гапирар экан И.П.Павлов «Инсон ўзини ўзи мувофиқлаштириб турадиган, ҳимоя қиладиган, ўзини ўзи тиклайдиган, ўзини ўзи йўлга соладиган ва ҳатто, шакллантирадиган энг олий даражадаги тизимдир», деган эди.

Дарҳақиқат, ана шу ҳолатда инсон тирик материянинг ягона воқелиги сифатида кўзга ташланади. Унинг моҳияти фақат шундагина эмас. Балки, у ўз-ўзини такомиллаштириб бориш орқали ўзининг янгидан-янги қирраларини намоён қилиб борадиган, ноёб имкониятларини юзага чиқаришга қодир бўлган ҳодиса.

Кишилик тарихи бевосита одамлар фаолиятининг яхлит мажмуи сифатида юзага келади. Демак, жаҳон тарихи инсон тадрижий тараққиётининг инъикосидир.

Ҳар бир индивидуал тафаккур бевосита ижтимоий тафаккурнинг бир бўлаги, жамият маънавий-маърифий даражасининг ўзига хос чекланган кўринишидир. Демак, индивидуал ва ижтимоий тафаккур ўзаро чамбарчас боғлиқ. Е.В.Шарохова хулосаларига кўра «Индивидуал тафаккурнинг ижтимоий тафаккур хазинасига ўз натижаларини ўтказиши бевосита ижтимоий тарихий шароит билан боғлиқ. Мабодо шундай шароит бўлмаса, илмий кашфиётлар ҳам, ихтиролар ҳам, алоҳида шахсларнинг амалий фаолият натижалари ҳам ижтимоий аҳамият касб этмаслиги ёки жамоатчилик томонидан тан олинмаслиги мумкин».

Демак ҳамма вақт ҳам инсон ўзининг ҳар томонлама баркамол ва етук ички дунёсини, ноёб имкониятларини кўрсата олмайди. Аниқроғи, ҳамма инсон бунга бирдай тайёр эмас ва иқтидори, табиий-генетик, биологик ва маънавий-руҳий камолот нуқтаи назаридан бир-биридан фарқ қилади. Фақат ҳар ким ўз имконияти ва фаолияти доирасида ноёб ҳодисага айлансагина у ижтимоий моҳият касб этади, жамият уни тан олади.

Инсоннинг туйғулари ва ҳиссиётлари ҳақида гапирар экан, Г.Х.Шингаров қуйидагиларни айтади: «Ҳиссиёт ўз эҳтиросларнинг доирасидан ташқарига чиқа олмайди. Аммо, унинг моҳияти ижтимоийдир. Масалан, ватанга бўлган муҳаббат аниқ ижтимоий мазмун ва моҳият касб этади. Бироқ, унинг пайдо бўлиши мавжуд шароитга боғлиқ. Қайсики, шахс турли эҳтиросларнинг реакцияси доирасида яшаб туриб, энг аҳамиятли ва ижтимоий характердаги туйғуни асрай билади».

Дарҳақиқат, инсон табиатан туйғулар ва эҳтиросларнинг мажмуи. У айни ана шу ноёб мўъжиза орқали ўз моҳиятини кашф этади ва намоён қилади. Бу эҳтиросларнинг ва туйғуларнинг салбий ёки ижобий бўлишидан қатъи назар ижтимоийдир. Чунки инсон салбий эҳтиросларни оқимида қанчалик жаҳолат, қабоҳат, нафрат ва ёвузлик намуналарини кўрсатса, жамият, кишилик тақдири шунчалик талофат кўради, ҳаётда эзгулик, муҳаббат, яхшилик топталади. Агар инсон ўз туйғулари ва эҳтиросларини бошқаришга қодир бўлса-ю уни ақл йўриғи билан яхшилик сари бура олса юқоридаги ҳолатнинг акси — ижтимоий тараққиёт, равнақ ва фаровонлик юзага келади.

Инсон ҳиссий олами ва эҳтиросларини маънавий-руҳий имкониятлар нуқтаи-назаридан қараганда қуйидагиларга бўлиш мумкин:

Биринчидан, ижтимоий-сиёсий туйғу. Бу бевосита ватанга, мустақилликка садоқат, байналмилаллик, ватанпарварлик, миллий ғурур ва ифтихор билан боғлиқ бўлган туйғулар.

Иккинчидан, интеллектуал туйғулар. Бу фикр ёрқинлиги ва тиниқлиги, ҳайратланиш, иккиланиш, ишончлилик ва ишончсизлик, охиригача ўйламай иш қилиш, ўзини камситиш ёки калондимоғлик ва бошқалар. Инсон ҳудди ана шундай имконияти билан яратувчилик, бунёдкорлик, кашфиётлар қилиш намунасини кўрсатади. Ақл қувватини, зако мўъжизасини намоён этади.

Учинчидан, эзгулик ва ёвузлик, қадр-қимматни билиш, муҳаббат ва нафрат, ҳавас ва ҳасад туйғулари билан боғлиқ бўлган ахлоқий жараён.

Тўртинчидан, эстетик туйғу. Бу бевосита гўзалликни ҳис қилиш, ҳиссиёт ва туйғуларнинг покизалиги, бегуборлиги, уларнинг шакли, ўзаро мутаносиблиги, ҳаяжонланиш, қувониш, изтироб чекиш, нафратланиш ва бошқалар.

Ана шу ҳолатларда инсон ўзининг яхлит оламини вужудга келтиради, шакллантиради, натижада унинг бутун феномени қандай бўлса шундайлигича намоён бўлади.

Инсон моҳиятида ирода кучи алоҳида аҳамият касб этади. У бевосита ақл ва туйғунинг амалий фаолиятидаги ифодаси сифатида инсон маънавий оламининг идеал даражасини белгилайди. Бошқача қилиб айтганда «туйғу-ақл-фаолият» бирлиги ирода кучи орқали феъл-атворга айланган механизм мақомига эга бўлади ва ана шу учликнинг синтези сифатида ўзини намоён этади. У ҳар қандай воқеликка – адолатли ва адолатсиз ҳодисаларга чидамлилик, бардош бериш фазилатларини ўзида мужассам этади.

Умуман олганда, инсон мураккаб мавжудот сифатида ҳали фанда ўзининг тўла баҳосини ололганича йўқ. Академик Ф.Константинов ишонч билан таъкидлаганидек, «Инсон, унинг мияси, ақли шу даражада кўп қиррали, хилма-хил, англаш қийин бўлган ҳолат ва башорат қилиш мумкин бўлмаган хазина. Ўзида мужассам этган беқиёс имкониятлари билан ноёб мўъжиза. Бу муаммо жуда мураккаб ва, балки, ундан ҳам қийин бўлган ҳодисаки, уни фан ҳали-бери ҳал эта олмайди».

Инсон табиатан мураккаб жонзот. У мумкин қадар бир-бирини рад этиш, бир-бирини инкор этиш, ўзини мутлақ ҳақиқат деб билиш кайфияти билан яшайди. Ана шу ҳолатнинг ўзи инсоннинг бир-бирини тушунмасликка, бир-бирини қабул қилмасликка, баъзан, ҳатто, бир-биридан қочишга олиб келади.

Бошқа бир шаклда инсон алоҳида мавжудот, алоҳида индивид сифатида ўзи бир олам. Улуғ донишмандлардан бири «**Инсон олам ичра бир оламдирки, ташқи олам инсон олами олдида ниҳоятда кичикдир**», деган эди. Дарҳақиқат, инсон ташқи олам таркибида бир зарра мисол, кишилик ҳаёти олдида инсоннинг умри капалак умрига тенг. Ёки Мирзо Абдулқодир Бедил ибораси билан айтганда инсон умри киприкка илиниб турган ёшга ўхшайди. Бироқ, инсоннинг беқиёс имкониятлари, ички оламининг кенглиги, оламни англаш, идрок этиш ва қабул қилиш салоҳияти нуқтаи назаридан ташқи олам унинг ички оламига бемалол сиғади. Ана шу жиҳатдан қараганда инсоннинг ички олами ташқи оламдан кўра кенгроқ, ранг-барангроқ, уни бус-бутунича, яхлитлигича қамраб олишга қодир. Шунинг учун баъзан инсон бу кенг оламга сиғмаслиги, кенг олам эса унинг муштдек қалбида жо бўлмоғи мумкин. Бағри кенг, феъли кенг одамлар кўпинча оламга сиғмаслик изтиробини камроқ чекадилар. Зотан, бағри кенг, ақлли, катта масалалар ҳақида ўйлайдиганлар ташқи оламни ўз бағрига сиғдира олади. Майдакаш, феъли тор одамлар кенг оламга сиғмайди.

Биз инсонни мураккаб жонзот дедик. Дарҳақиқат, у нафақат бир-бирини, баъзан ўзини-ўзи инкор қилиб яшайди. Ўзини-ўзи рад этади, ўз ҳукмига ўзи қарши чиқади. Бундай пайтда, руҳият, кайфият алоҳида ҳукмдорлик ролини бажаради.

Инсон феномени ҳақидаги тасаввурлар ҳар хил, баҳолар турли-туман. Инсон оламини ўрганишга ёндашишлар ҳам турлича. Лекин улар моҳиятан бир-бирини тўлдиради, мазмунан бир-бирини давом эттиради. Жумладан, Алишер Навоий ўзининг «Маҳбубул қулуб» асарида «**Одам икки дунёнинг энг азиз ва энг шариф махлуқидир**», — дейди. Бунда у инсонни бебаҳо хилқат даражасига кўтаради, беқиёс мўъжизалар олами сифатида таъриф беради.

Америкалик атоқли ёзувчи Жек Лондон эса «**Инсон бебаҳо махлуқларнинг энг охиргисидир**», — дейди. Бунда адиб инсоннинг яратувчиликда ҳам, вайронагарчиликда ҳам, эзгулик қилиш ва ёвузлик борасида ҳам ноёб эканлигини таъкидлайди ва ақл-заковат мўъжизасини кўрсатиш билан бирга, айни ана шу ақлни ёмонлик қуролига айлантиришга ҳам қодир мавжудот сифатида тушунади. Аслини олганда ана шундай бир-бирига тескари, бир-бирига зид руҳий олам яхлит инсон дунёси мураккабликларини кўрсатади.

Рухшуносларнинг фикрига кўра инсон ўз оламининг ҳукмдори бўлмоғи лозим. Ана шу ҳукм эзгуликка, яхшиликка, меҳр-мурувватга қанчалик йўналтирилган бўлса, у ўзининг бунёдкорлик, яратувчанлик иқтидорини шунчалик ёркинроқ намоён этади. Ёмонлик, ёвузликка йўналтирилган бўлса, мисли кўрилмаган фожиаларни келтириши мумкин. Ана шунда инсон асосий мақсадлардан чекиниб, лаҳзалик туйғулар асирига айланади ва кутилмаган фожеаларга қўл уради. Террорчилар учун эса бундай кайфият яна ҳам жиддийроқ, яна ҳам хавфлироқ тус олади. Улар алоҳида тайёргарлик кўриш, тажриба тўплаш, махсус моддий ва техникавий база яратиш, мақсадга эришиш учун ҳеч нарсадан қайтмаслик, ҳеч нарсадан тап тортмаслик, қон тўкиш ва вайронагарчиликлар йўлидан борадилар.

Умуман олганда ҳаммамиз ҳам инсонмиз. Хоҳлаймизми йўқми ҳаммамизнинг қонимизда мурувватлилик билан худбинлик, сахийлик билан бахиллик, яхшилик билан ёмонлик, эзгулик билан ёвузлик туйғулари параллел равишда яшайди. Фақат қайси биримиздадир яхшилик, эзгулик туйғулари нисбатан кўпроқ, бошқа биримизда ёвузлик туйғулари устиворроқ бўлиши мумкин. Ана шу жиҳатдан қараганда ана у одам яхши, мана бу одам ёмон деган хулосага келамиз. Аслини олганда мутлақ яхши ёки мутлақ ёмон одам бўлмайди. Демак, инсон оламининг ана шундай мураккаб, зиддиятли, қарама-қаршиликларга тўла олам. Демак, инсон ҳамиша икки қарама-қарши қутб тўқнашуви орасида яшайди.

Инсон ҳақида гап кетганда «инсон олами», «инсоннинг ички дунёси» сингари атамалар бежиз ишлатилмайди. Зотан, ҳар бир инсон алоҳида бир олам, алоҳида бир дунё. Инсон маънавияти, унинг маънавий қиёфаси, ахлоқий даражаси, феъл-атвори ва хатти-ҳаракатлари ҳақида гап борганда бевосита ана шу ички дунё қиёфаси, ички олам кўриниши орқали баҳо берилади.

Инсоннинг ички дунёси – маънавий олами ўзини ақл-заковат, тафаккур, ирода ва ўзаро муносабатлар орқали намоён этади. Айни ана шу унсурлар кимда қандай шаклда мавжудлиги, унинг даражаси ва миқёслари орқали инсоннинг жамиятдаги ўрни белгиланади.

Инсон бутун моҳияти билан маданият олами. Юксак маданият фақат ва фақат унгагина хос. Унинг қадрияти бевосита ана шу ўлчов билан баҳоланади. Зотан, маданият йўқ жойда О.Шпенглер ибораси билан айтганда «мазмунсизлик, зоология ҳукмронлик қила бошлайди. Ҳамма нарсага бефарқлик бошланади. Маданий организм тарихий ҳодиса сифатида ўлади. Лекин, бу ҳамма инсон ўлиб кетишини англатмайди, балки улар фақат биологик мавжудот сифатида яшайди».

Гегел Инсон олами ва унинг моҳияти хусусида гапирар экан, «**Айримлар фавқулодда чуқур фикр билдириб инсон табиатига кўра эзгудир, — дейишади. Бироқ, улар ундан ҳам чуқурроқ мазмунга эга бўлган инсон ўз табиатига кўра ёвуздир, - деган фикрни унутадилар**», — дейди. Улуғ файласуф бу фикри билан инсоннинг мавжудот сифатидаги беқиёс имкониятларини, маҳлуқот оламида мўъжизалар кўрсатиш билан бирга ёмонлик ва ёвузлик борасида ҳам такрорланмас имкониятларга эга эканлигига ишора қилади.

Ҳар бир инсон ўз фаолияти билан ўз-ўзини мувофиқлаштириб турадиган, ўз-ўзини ҳимоя қилиб, ўз-ўзини такомиллаштириб, тўлдириб ва, ҳатто, шакллантириб, мукаммаллаштириб бориш имкониятига эга бўлган олий даражадаги яхлит тизимдир. Айни ана шу жиҳатдан қараганда у тирик материя, яъни ҳар бир инсон алоҳида олам, бир-бирини такрорламайдиган дунё!

Ҳар қандай мустақил инсон – алоҳида шахс. У хоҳлаймизми ёки йўқми, ижтимоий воқелик, ижтимоий моҳиятга эга. Чунки унинг ҳаёт тарзи бевосита жамият ҳаётига дахлдор. У қанчалик ўзини алоҳида дунё сифатида баҳоламасин, айни пайтда кенг оламнинг бир зарраси, мавжуд жамиятнинг бир аъзосидир. Демак, ҳар қандай шахсий хатти-ҳаракатлар, индивидуал фаолият бевосита жамоа фаолияти, жамият тақдири ва ҳаёти билан, албатта, боғлангандир. Айни ана шу моҳиятнинг ўзи инсоннинг атроф билан ҳисоб-китоб қилишга, ёнидагилар билан баҳамжиҳат яшашга, қолаверса, жамоатчилик ва жамият тақдирига тақдирдош эканлигини англашига мажбур этади. Ана шу нуқтаи-назардан қараганда инсон моҳияти мавҳум, маълум бир алоҳида индивид доирасидаги воқелик эмас, айни пайтда у фаолияти, муносабатлари, феъл-атвори ва хатти-ҳаракатлари билан бирга яхлит ижтимоий муносабатдир.

Инсоннинг бефарқлиги, бетарафлиги нафақат алоҳида шахс, балки бутун жамият ҳаётида салбий ҳодисаларни келтириб чиқаради. Донишмандларнинг ақидаларига кўра душманлардан қўрқма, улар жуда зўр бўлса сени ўлдиришади. Дўстлардан қўрқма, улар жуда зарур бўлиб қолганда сени сотишади. Бетарафлардан қўрқ. Улар ўлдиришмайди ҳам, сотишмайди ҳам. Фақат уларнинг сукутлари, бетарафликлари туфайли дунёда сотқинлик ва ўлдиришлар яшайверади. Ана шу ҳолатнинг ўзи инсон ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг нақадар чигаллигини ва нақадар мураккаб эканлигини кўрсатади.

Бошқача қилиб айтганда, мамлакатимизда юз берган терроризм ҳаракатлари айни бизнинг бефарқлигимиз, ҳодисаларга баҳо беришда бетарафлигимиз натижасида содир бўлди. Ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштирокимизнинг сустлиги, умумий манфаатлар ва энг муқаддас ғояларимиз атрофида жипслашмаслик иллатлари ҳаётимизга таҳдид солмоқда. Тажовузкорларнинг кучайишига имкон бермоқда.

Инсон, унинг миясини, ақлий имкониятларининг чегараларини, омилларини ўрганиш ва башорат қилиш анча қийин. Уни бутун кўлами билан ўрганишнинг имкони ҳозиргача йўқ. Бугунги фан коинот сирларини ўрганишга қодир. Инсонни клонлаштириш, сунъий одамни яратиш фан учун қанчалик мўъжиза бўлса, шунчалик фожеа ҳам. Умуман олганда XXI-аср фани қанчалик мўъжизалар яратмасин, инсон оламини ўрганиш, тадқиқ этиш олдида ожизлик қилмоқда. Биология, физика, амалий математика, астрономия, электроника, кимё, ген муҳандислиги ва бошқа қатор-қатор ихтисослашган соҳаларда мисли кўрилмаган кашфиётлар қилинмоқда. Жумладан, компьютер бир қарашда инсон ақлидан бир неча минг баробар тез ишлайди. Инсон идрокига сиғмаган жараёнларни лаҳзаларда бажаради. Инсон бажариши қийин бўлган операцияларни роботлар амалга оширмоқда. Бироқ, унда ҳаяжон йўқ, туйғу йўқ, ҳиссиёт йўқ! У шеър ёза олмайди, мусиқа ярата олмайди, муносабат билдира олмайди. Асабийлашмайди, изтироб чекмайди, қувона олмайди, бахт нашидасини сура олмайди. Инсон худди ана шу жиҳати билан қимматли. Зотан, ҳис-ҳаяжон ва туйғунинг ранги ҳам, кўлами, миқёси, ўлчови ҳам йўқ. Унинг фақат қудрати-ю мўъжизаси бор, холос!

Ҳиссиёт, туйғу қанчалик шахсий ҳодиса бўлмасин, у атрофдагиларга таъсири орқали ижтимоийдир. Демак, ўз-ўзидан адолат, ҳақиқат, эзгулик, ватанпарварлик туйғулари бир қалбнинг мулки бўлсада, у том маънода улкан ижтимоий қадриятдир. У ҳамиша ижтимоий мазмун касб этади. Тарихий тараққиёт, жамият ривожи бевосита ҳар бир шахснинг маънавий камолоти, етуклик даражаси, ўзини-ўзи идора этиш, ўзини-ўзи бошқара олиш, ўзини-ўзи такомиллаштира билиш ҳодисаси билан боғлиқ.

Нарзулла ЖЎРАЕВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор

Санъат

НАВҚИРОН ОВОЗЛАР САДОСИ

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ФОЛЬКЛОР САНЪАТИ ХАЛҚ ИЖОДИЁТИНИНГ АВЛОДДАН-АВЛОДГА ЎТИБ КЕЛАЁТГАН МУМТОЗ ТУРИДИР.

Узоқ ўтмишга эга бўлган бу санъатнинг ворислари мамлакатимизнинг турли масканларида бугун ҳам кўплаб топилади. Миллий фольклор санъатимиз йўлида ижод қилаётган ана шундай ёш ижодкорларни топиш, улар фаолиятини рағбатлантириш мақсадида «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Республика ўқувчилар саройи, «Болалар фольклор дасталари» ҳамкорликда республика фестивалини ўтказдилар. Фестиваль доирасида болалар фольклор дасталарининг концерти, ўзаро мулоқот соатлари ҳамда «Ўзбекистон —Ватаним маним» мавзуида шеърият кечаси бўлиб ўтди. «Энг жозибали рақс ижроси учун», «Энг намунали фольклор жамоаси» номинацияси бўйича ғолиблар аниқланди.

Ғолиблар ва фестивалнинг фаол иштирокчилари Халқ таълими вазирлиги, «Олтин мерос» Халқаро хайрия жамғармаси, Республика ўқувчилар саройи ва бошқа ташкилотларнинг диплом, фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

САНЪАТ МЕНИНГ ҚУЁШИМДИР

КУНИ КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ, «БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ СОҲИБИ САОДАТ ҚОБУЛОВА ИЖОДИГА БАҒИШЛАБ ЁЗИЛГАН УРФОН ОТАЖОННИНГ «САНЪАТ МЕНИНГ ҚУЁШИМДИР» КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Кечада эл севган санъаткорлар, ёзувчилар ва шоирлар иштирок этдилар.

НАСТАРИН НАВОЛАРИ

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИДАГИ 23-СОНЛИ БОЛАЛАР МУСИҚА МАКТАБИ ҚОШИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «НАСТАРИН» БОЛАЛАР ЭСТРАДА ГУРУҲИ ҲОЗИРГИ КУНДА ХАЛҚИМИЗ ЭЪТИБОРИГА ТУШИБ, САНЪАТ ИХЛОСМАНДЛАРИ МЕҲРИНИ ҚОЗОНГАН.

Мазкур гуруҳ баҳор фаслида янгича иш режасини тузиб олди. «Настарин», — дейди гуруҳ раҳбари Ли Англина, — миллий ҳамда эстрада жанрида ижод қилмоқда. Биз янгиянги куй ва қўшиқлар устида тинмай изланишлар олиб бормоқдамиз. Эндиликда шаҳримиздаги Меҳрибонлик уйларида ҳам концертлар уюштирмоқчимиз. Кўнгли ўксик болажонларга бу ажойиб совға бўлади. «Кел, Баҳорим», «Лолача», «Наҳори нашта» каби қўшиқларимиз ва дилбар рақсларимиз барчага манзур бўлади, деган умиддамиз. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки «Настарин» нафақат республикамизда, балки хориж мамлакатларида ҳам ўзига яраша обрў орттирди. 2005 йилда Истамбулда ўтказилган «Турк Дунёси» болалар байрамида фестиваль совриндори бўлиб яккахонлар танловида олтин медаль билан тақдирланган.

ТЕАТРДА — КАТТА КОНЦЕРТ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА 5 АПРЕЛЬ КУНИ КАТТА ОВОЗ СОҲИБИ, ИҚТИДОРЛИ АКТЁР ҲОТАМ ЙЎЛДОШЕВНИНГ «КАТТА ТЕАТРДА — КАТТА КОНЦЕРТ» ДЕБ НОМЛАНГАН ЯККАХОН КОНЦЕРТИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

«Ўртар», «Палахмон тош», «Муножот ва сафти муножот» каби қўшиқлар билан бирга, миллий мумтоз опералардан ариялар ҳам ижро этиб санъат шайдоларининг кўнгилларини хушнуд этишни олдимга мақсад қилиб қўйганман, — дейди хушовоз хонанда Ҳотам Йўлдошев.

Дарҳақиқат, санъат қалб юпанчи, дил ороми, кўнгилларнинг кемтигини тўлдирадиган сирли садодир. Ундан инсонлар наинки ором оладилар, балки маънан юксакликка ҳам парвоз этадилар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Ўз-ўзи ўрганиш доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Эй йигит! Ён-атрофингга қара, манман деган забардаст кишилар ажал шарбатини ичмоқдалар. Куни келиб сенга ҳам бу косани сипқориш навбати етади. Шундай экан, азиз умрингни ғафлат билан ўтказсанг, бундан ҳам оғирроқ шармандалик ва нобакорлик бўлмайди.

Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ

Қарилар ҳолига боқ лутфинг кўзидан эй йигит,
Ким, камоли ҳусн ожизлар дуосидин санга.

ОГАҲИЙ

Ўз юкини ўзи тортмай, бошқаларга ташлаб қўйган киши охири хор бўлади.

«ОТАЛАР сўзи»

Ғанимат тут жамолу ҳусн даврин,
Масалдурким: «Яна бу дам топилмас».
Вафо қилким, йигитлик бўстони,
Ҳамиша тозаю хуррам топилмас...

ОТОЙИ

Эй фарзанд! Агар дунёда доимо бахтиёр бўлай десанг, айтилган насиҳатларни ҳеч қачон ёдингдан чиқарма!

Луқмони Ҳаким ўз ўғлига насиҳат қилиб айтаркан.

— Эй ўғил, бирор киши олдингга бир ҳожат билан келса, ундай кишини ноумид қилиб қайтарма. Қўлингдан келганча, ҳожатини раво қил. Ёнингда етарли маблағинг бўлса, ҳожатманд одамларга қарз бер. Баъзи кишилар бисотида бўлса ҳам қарз беришдан оғринадилар. Керак бўлиб қолганда қарз бериб, ҳожатмандларнинг ҳожатини чиқармоқ дунёда энг яхши фазилатлардан ҳисобланади.

Луқмони Ҳаким доимо қарз олар ва пули бўлса бошқаларга қарз берар экан. Унинг ҳиммати ва сахийлигини эшитган кишилар узоқ шаҳар ва қишлоқлардан қарз сўраб келишаркан. Кунлардан бир кун номаълум бир савдогар унинг ҳузурига келди ва деди:

— Эй Луқмон, мен машҳур савдогар эдим. Давр ҳодисотлари туфайли бутун мол-мулкимдан ажрадим. Ҳозир қўлимда ҳеч нарсам йўқ. Қўлимдан ҳеч бир иш келмайди, касбу ҳунарим ҳам йўқ. Сендан қарз сўраб келдим!

Луқмон уйидан минг динор чиқариб, савдогарнинг қўлига тутқазади. Буни кузатиб турган Луқмоннинг ўғли отасига қараб:

— Эй ота, шунча пулни ҳеч вақоси йўқ нотаниш одамга бериб юбордингиз, у тониб кетса нима қиласиз? — деди.

— Эй ўғлим, — деди Луқмон, — одамлар ҳеч қачон яхшилигингни унутмайдилар. Вақтинча улар сендан юз ўгирсалар ҳам вақти билан инсофга келади. Ҳар бир инсон қўлидан келса бошқаларга яхшилик қилмоғи ва қилган яхшилигини унутмоғи зарур. Аммо бошқаларнинг ўзига қилган яхшилигини эса унутмаслиги керак.

Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ

Ишга киришиш ўйланиб ўтиргандан яхши, ғафлатда қолиш эса кучли душмандан баттар!

Муҳаммад ЗЕҲНИЙ

Ишни пайти келгач, айлагин оғоз,
Замоннинг зайлига қараб бошла боз.
У ўғри кишики тортиб неча ранж,
Талаб қилиб тунда қидиради ганж.
Тараннум қиламан чиройли суруд,
Белидан узилмай турсагина уд!
Деҳқон деб ўйлама ҳар ким сочса дон,
Донидан дон чиқса ўшадир деҳқон!

Низомий ГАНЖАВИЙ

Умр чун борди ҳаводис, ғофил одам билмади,
Ою кун оромиға бир лаҳза фурсат этмас.

МАШРАБ

Қудратга эга бўлган пайтингда ихтиёринг жиловини нафс қўлига тутқазмаки, у сени ҳалокат жарига қулатади. Ғолиб бўлган пайтингда мурувватни ҳам ўйла. Кўл остингдагиларга шафқат билан қарасанг, улар ҳам куни келиб сенга шафқат кўзи билан боқишади.

Ибн КАМОЛПОШШО

Хорлик йўқликдан келиб чиқади.

«ОТАЛАР сўзи».

Одамдин нур олди ҳар лайлу наҳор,
Тарихнинг ҳисобин топғон ҳар одам.

Дилшоди БАРНО

Талаб қил бўлса ганжи безиёни,
Санга бўлғай чу умри жовидони.

ҲУВАЙДО

Эски бузуқ харобада чуғздек айладим ватан,
Бир тузук ошиёна йўқ келмаса келмасун нетай.

БАЁНИЙ

Ҳуш ул чоққим нафо қилса бу ожун,
Умур ўксулмаса, кечмишча бу кун.

ҚУТБ

Одам эрсанг ташқи суратга берма зеб,
Она юртингни ҳамиша айла зеб.

Анбар ОТИН

МАРДЛИК, ШИЖОАТ, ҒАЙРАТ, ҲУШЁРЛИК ФОЙДАЛАРИ ҲАМДА НОМАРДЛИКНИНГ ЗАРАРИ

Ҳар ким тута олса ўлимни ҳам хор,
Шижоат бобида бўлур улуғвор.

Абулбаракот ҚОДИРИЙ

Азизим, ботир деб шундай кишига айтиладики, у ўз элининг тинчлиги учун ҳар қандай машаққат қадаҳини қабул қилиб, шоду хуррамлик билан нўш этади. Марди майдон деб шундай кишига айтиладики, бундай кишининг ақли бирор ишни қилишга қарор топса, жонидан кечиб, ҳаётидан қўл ювиб, мақсад майдонига қадам қўяди. Байт:

Жондан кечиб майдон сари сурган от,
Бахту иқболига бўларсан муяссар!

Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ

Довюрак бола найза ва ёйи билан
Тик қояларни кезиб
Ёлғиз юради дейишади,
У мана шундай ботир экан,
Билиб қўйинг: бу — яхши.

«ТАЪБИРНОМА»

Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган

МАМЛАКАТИМИЗДА КАТТАЮ КИЧИКНИНГ САНЪАТГА БЎЛГАН ИШТИЁҚИ ВА МЕҲР-МУҲАББАТИ ЙИЛ САЙИН ОШИБ БОРМОҚДА. АЙНИҚСА, БУ СОҲАДА ЁШ ИСТЕЪДОДЛАРНИНГ ЯРҚ ЭТИБ КЎЗГА КЎРИНАЁТГАНЛИГИ БАРЧАМИЗНИ ҚУВОНТИРАДИ. ЗЕРО, САНЪАТ ИНСОННИ ЭЗГУЛИККА ЧОРЛАЙДИ, МАЪНАВИЯТИНИ БОЙИТАДИ.





Санъат

МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Давлат консерваторияси ташаббуси билан мазкур консерваторияда Болалар мусиқа жамоалари фестивали ва мусиқий педагогика кафедраси битирувчиларининг Давлат аттестацияси бўлиб ўтди. Унда болалар бадиий жамоаларидан Ўзбекистон халқ артисти Ш.Ёрматов раҳбарлигидаги «Булбулча», В.Рўзметова раҳбарлигидаги «Томчилар», С.Музаффарова раҳбарлигидаги «Севинч», Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Н.Қурбонова раҳбарлигидаги «Томоша» сингари болалар дасталари мазкур фестивалга тайёрлаб келган баҳор, Наврўз ҳамда онаВатан ҳақидаги қувноқ куй-қўшиқларни дилдан жўшиб куйладилар. Ўзбекистон Давлат консерваторияси мусиқий педагогика кафедрасининг талабалари ижрочилик амалиёти бўйича Давлат аттестациясидан ўтиш учун фестивалга тайёрлаган дастурларини намойиш этдилар.

— Шуни айтиш жоизки, консерваториянинг мусиқий педагогика кафедраси талабалари учун 2006 йил муҳим аҳамиятга эга,— дейди Ўзбекистон Давлат консерваторияси мусиқий педагогика кафедраси катта ўқитувчиси С.Ражабова.— Бу йил кафедранинг биринчи битирувчи талабалари «Мусиқий таълим» ихтисослиги бўйича бакалавриат таълим босқичини тугатиб, Давлат аттестациясидан ўтадилар. Талабалар бошқа мусиқа жамоалари билан бирга ижрочилик амалиёти бўйича ўз дастурларини намойиш этдилар. Ўйлайманки, ушбу фестивалда талабалар ўз ижро маҳоратларини, санъатга бўлган иштиёқлари ва иқтидорларини тўла кўрсата олдилар.

Янгроқ куй-қўшиқлар, гўзал рақслар остида ўтган мазкур фестиваль йиғилганлар қалбига бир олам завқ бағишлади.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: Болалар мусиқа жамоалари фестивалидан лавҳалар.

Наталья Семёнова олган суратлар

Мунажжим башорати

ТАБИАТ ҚЎЙНИДА БЎЛИНГ

5 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА САЙЁРАЛАРНИНГ САМО БЎЙЛАБ ЖОЙЛАШИШИ БУГУН ИНСОНЛАРНИНГ ТАБИАТ БИЛАН ОШНО БЎЛИШЛАРИНИ, УЛАРНИНГ ХУРСАНДЧИЛИКЛАРИ ВА КУТИЛМАГАН ҲАРАКАТЛАРИНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ.

Бугунги кун ёлғизликни ёқтирадиган, ҳаётга қизиқишини йўқотган кишиларга ҳеч нарса бермайди. Муҳаббатли, меҳр-оқибатлилик ҳаётингизни мазмунли ва жозибали қилади.

Мунажжим Света День бугунги кунни қандайдир янгиликлар бошланадиган кун, дея таърифлайди. Бизнесдаги барча кечикишлар, англашилмовчиликлар, тўланмаган қарзлар энди ортда қолади.

Уйида ҳал этилмаган муаммолари бўлганлар учун бу чоршанба унчалик қулай кун бўлмаслиги мумкин. Айниқса катта авлод вакиллари билан тартибга тушмаган муносабатлар кўнгилни ғаш қилиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Мабодо, бугун қайноқ сувда куйиб қолсангиз, буни покланиш белгиси деб билаверинг. Дарахт ёки таёқни синдириб қўйиш, тўсатдан чироқнинг ўчиб қолиши – йўқотишлар ва касалликлардан огоҳлантиришдир.

Ошқозон-ичак йўллари заифлашган ҳолатда бўлиши туфайли дағал, бадҳазм овқатлардан ўзингизни тортинг, спиртли ичимликлар истеъмолини қатъиян чеклаб қўйинг.

Кийим-кечаклардан оқ, сариқ ва олтинранг либослар бугунги кун руҳига кўпроқ мос келади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 мартдаги 303-сонли қарорига асосан автомобиль транспортида йўловчиларни шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларида тижорат асосида ташиш фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилиши белгиланганлиги муносабати билан «Тошкент оқшоми» газетасининг 2006 йил 6 мартдаги 44 (10.601) – сонида чоп этилган «Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказиш» жадвали бекор қилиниб, уни ўтказиш муддатлари қайта кўриб чиқилмоқда.

2006 йилнинг 1 июнига қадар юридик шахс-ташкилотларни ташкил этиш тадбирлари тугатилгандан сўнг очиқ тендер ўтказиш бўйича эълон қайтадан чоп этилади.

Талабгорлар томонидан тендер пакет ҳужжатларини сотиб олиш учун тўланган тўловлар ҳисобга киритилади.

Тендер таклифлари фақат юридик шахслардан қабул қилинишига эътиборингизни қаратамиз.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти

Маълумот учун телефон: 133-34-87

МАМЛАКАТ XV МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ ТЎРТИНЧИ ТУР БАҲСЛАРИДА ПЕШҚАДАМЛИКНИ ҚЎЛДАН БЕРМАЙ КЕЛАЁТГАН ШАҲРИМИЗ ЖАМОАЛАРИ «ПАХТАКОР» ВА «ТРАКТОР» ЎЗАРО БЕЛЛАШДИ.

Футбол

ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИ БЕЛЛАШДИ

Таъкидлаш лозимки, «Трактор» жамоаси кейинги йилларда кучли ўтилиқдан тушмай, ўзининг ажойиб ўйинлари билан мухлислари кўнглини шод этмоқда. Жорий йилги мавсумнинг ўтказилган учта турида ҳам «Трактор» футболчилари учта ғалабани қўлга киритиб, 9 очко билан иккинчи поғонани забт этиб турибганди. Шу боис кўпчилик мутахассислару мухлислар ушбу учрашув муросасиз кечади ва албатта кутилмаган натижа қайд этилади, деб тахмин қилишганди. Дарҳақиқат, майдон эгалари бўлмиш «трактор»чилар ўзларидан анча кучли бўлган меҳмонларга муносиб қаршилик кўрсатишга интилиб кўришди. Бироқ тажриба, маҳорат барибир ўз сўзини айтди. Майдонда тўп билан эркин ҳаракат қилиш, тўпни жамоадошига аниқ узатиш, рақиб дарвозасига шиддатли ҳужумлар уюштириш бобида яққол устунлик қилган Непомняший шогирдлари 90 дақиқа мобайнида «трактор»чилар дарвозасини уч марта аниқ нишонга ола билишди. Мухлисларга хаяжонли дақиқаларни ҳадя этган голларни дарвозага Солиев, Жепаров, Тожиевлар йўллашди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Тўпаланг» — «Андижон» — 1:0, «Шўртан» — «Машъал» — 1:2, «Нефтчи» — «Насаф» — 1:1, «Металлург» — «Қизилқум» — 4:1, «Самарқанд — Динамо» — «Хоразм» — 1:0, «Навбаҳор - Н» — «Бухоро» — 1:0, «Локомотив» — «Сўғдиёна» — 1:0.

Мамлакат XV миллий чемпионатининг 5-тур беллашувлари 7 апрелда бўлиб ўтади.

Спорт

ҒОЛИБЛИК УЧУН КУРАШИШДИ

ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПОЙТАХТИ БИШКЕК ШАҲРИДА КИКБОКСИНГ БЎЙИЧА ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН УЮШТИРИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИР ҲАМЮРТИМИЗ АЛИШЕР АБДУЛЛАЕВГА МУВАФФАҚИЯТ КЕЛТИРДИ.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу нуфузли турнирда Россия, Қозоғистон, Украина, Белоруссия, Молдова, Ўзбекистон давлатларидан келган спортчилар ғолиблик учун кураш олиб боришди. Қизиқарли, муросасиз курашлар остида ўтган мусобақанинг ҳал қилувчи баҳсларида муваффақият қозонган ҳамюртимиз Алишер Абдуллаев бронза медали билан тақдирланди.

ЧЕМПИОНАТ ЯКУНЛАНДИ

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТЕННИС РИВОЖИГА ҚАРАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОР ТУФАЙЛИ МАМЛАКАТИМИЗ ЁШЛАРИ ОРАСИДА ОЛЕГ ОГОРОДОВ, ИРОДА ТЎЛАГАНОВА СИНГАРИ СПОРТЧИЛАР САФИ КЕНГАЙИБ БОРАЁТГАНЛИГИ ҚУВОНАРЛИ ҲОЛ.

Куни кеча шаҳримизда ташкиллаштирилган теннис бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари якунига етди.

Муросасиз, шиддатли курашлар остида ўтган чемпионатнинг эркаклар баҳсларида наманганлик А.Асанов барча рақибларини енгиб, Ўзбекистон чемпиони номини қўлга киритган бўлса, аёллар ўртасида шаҳримиз вакили А.Ҳабибуллинага тенг келадиган рақиб топилмади.

Жуфтлик баҳсларида эса шоҳсупа тўрининг энг юқори чўққиси пойтахтлик спортчиларга насиб этди. Аёллар ўртасида М.Твердинова, Д.Нарзиқулова, эркаклар ўртасида В.Узоқов ва Р.Биктяковлар Ўзбекистон чемпиони номига сазовор бўлишди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Й.Охунбобоев номли Республика тиббиёт коллежида 2006 йил 10 май куни соат 9.00 дан 18.00 гача «Очиқ эшиклар» куни ўтказилади.

ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ

1. «Фармация»
2. «Ҳамширалик иши»
3. «Тиббий профилактика иши»
4. «Лаборатория диагностикаси» йўналишларида мутахассисларни тайёрлайди

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Туркқўрғон кўчаси, 9-уй. Автобуслар: 14, 18, 97, 148, «Ишчилар шаҳарчаси» бекати.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 606

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3233 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6